

## **Веб-сайтдан фойдаланиш шартлари**

Ушбу «GROSS SUG`URTA KOMPANIYASI» акциядорлик жамиятининг (бундан буён матнда Суғурта компанияси деб юритилади) Веб-сайтдан фойдаланиш шартлари (бундан буён матнда Шартлар деб юритилади) [www.gross.uz](http://www.gross.uz) веб-сайтдан фойдаланиш тартибини белгилаш учун ва Веб-сайтдан фойдаланганда учинчи шахслар олдида Суғурта компаниясининг жавобгарлигини чеклаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Суғурта компанияси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Лицензияси асосида суғурта хизматларини кўрсатади ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз [www.gross.uz](http://www.gross.uz) веб-сайтини ҳамма, шу жумладан ўзининг потенциал мижозлари, наф олувчилар, суғурта қилинган шахслар, суғурта қилдирувчилар, суғурта агентлари, воситачилар, хизмат кўрсатувчилар, ходимлар ва акциядорлар фойдалана олиши учун имкон яратади.

[www.gross.uz](http://www.gross.uz) веб-сайти Суғурта компаниясининг расмий веб-сайтидир. Веб-сайт, шунингдек унда тақдим этилган ахборот ва материаллар (бундан буён матнда биргаликда Веб-сайт деб номланади) Суғурта компаниясининг мулкидир.

Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ресурсларга ёки веб-сайтлардан фойдалана олишни тақдим этиш ва уларга кириш учун ҳар қандай аббревиатуралар, белгилар, сонлар, сўзлар ёки сўз бирикмаларини «gross.uz» сўзлари билан комбинацияларда фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Веб-сайтдан фойдаланиш, нусха кўчириш ва уни очиб бериш масалалари ушбу Шартларга мувофиқ тартибга солинади. Веб-сайтдан фойдаланиш ушбу Шартларни қабул қилиниши деб ҳисобланади.

### **Чекловли рухсат**

Кўйида баён қилинган қоидалар ва шартларга ҳамда ҳамма томонидан қўлланадиган қоидалар ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига биноан Суғурта компанияси сизга ушбу Веб-сайтга кириш, ундан фойдаланиш ва уни акс эттириш учун мутлақ бўлмаган, бошқа шахсга берилмайдиган, шахсий, чекловли рухсатни тақдим этади.

Ушбу чекловли рухсат Веб-сайтга бўлган мулк ҳуқуқини бериш деб ҳисобланмайди. Сиз муаллифлик ҳуқуқлари ва бошқа мулк ҳуқуқлари тўғрисидаги барча билдиришномаларни Веб-сайтнинг барча нусхаларида сақлаб қолишингиз керак.

Бундан ташқари, сиз бирор-бир тарзда Веб-сайтни, унинг алоҳида қисмлари ёки кодларини, у томондан шакллантирилган ахборот ёки ҳужжатларни ўзгартиришга ёки такрорлаш, омма олдида намойиш этиш, ижро этиш, тарқатишга, ундан келиб чиққан ҳолда ҳосила ишларни яратишга ёки Веб-сайтдан бирор-бир оммавий мақсадларда ёки тижорат мақсадларида бошқача тарзда фойдаланишга ҳақли эмассиз, ушбу Шартларда тўғридан-тўғри рухсат берилган ёки Суғурта компанияси билан олдиндан келишилган ҳоллар бундан мустасно.

Сиз суғурта маҳсулотларини тузиш, суғурта хизматларини кўрсатиш ёки уларнинг шартларини ўзгартириш, шунингдек Молия вазирлиги ёки Ўзбекистон Республикаси бошқа давлат органининг ҳар қандай турдаги рухсати, розилиги ёки лицензиясини олиш учун Веб-сайтдан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмассиз.

### **Ушбу шартларга ўзгартишлар киритиш**



Суғурта компанияси Веб-сайтнинг ёки ушбу Шартларнинг ҳар қандай қисми ёки жиҳатини исталган вақтда дастлабки билдиришномаларсиз ўзгартириши мумкин. Суғурта компанияси Веб-сайтнинг маълум бир функциялари ва хизматларига нисбатан дастлабки билдиришномасиз чекловлар ўрнатиши ёки Веб-сайтнинг қисмларига киришни чеклаши ҳам мумкин.

Веб-сайтга ва ушбу Шартларга киритилган ўзгартишлар улар эълон қилинганидан кейин дарҳол кучга киради. Шартларга киритилган ўзгартишлардан кейин Веб-сайтдан фойдаланиш бундай ўзгартишни қабул қилиш деб ҳисобланади.

Гарчанд Суғурта компанияси Веб-сайтдаги, ушбу Шартлардаги ва қоидалардаги муҳим ўзгартишларни аниқлашга уриниб кўрса-да, компания буни қилишга мажбур эмас. Веб-сайтда ёки унинг Шартларида бирор-бир ўзгартишлар бўлганлигини аниқлаш учун сиз жавобгар бўласиз.

#### **Веб-сайтга гипер ҳаволалар**

Веб-сайтдаги айрим ҳаволаларни Суғурта компанияси назорат қилмайдиган интернет-сайтлар (бундан буён матнда Боғланган интернет-сайтлар деб юритилади) ишга туширади. Суғурта компанияси Боғланган интернет-сайтларга уланишни фақат фойдаланувчиларга қулайлик яратиш учун амалга оширади, аммо Боғланган интернет-сайтларни ёки Боғланган интернет-сайтларда мавжуд бўлган ёки таклиф қилинаётган бирор-бир контент, маҳсулотлар ёки хизматларни қўллаб-қувватламайди.

Суғурта компанияси Интернетдаги боғланган сайтларга нисбатан ҳеч қандай баёнотлар ёки кафолатларни бермайди.

#### **Парол билан ҳимоя қилинган ахборот**

Ушбу Веб-сайтнинг айрим қисмларига кириш учун парол талаб қилинади ва қўшимча шартлар ёки суғурта қоидаларига сизнинг розилигингиз талаб қилиниши мумкин. Паролни сўраш учун парол билан ҳимоя қилинган саҳифалардаги йўриқномаларга амал қилинг ёки Суғурта компаниясининг вакилига мурожаат қилинг.

#### **Ушбу Веб-сайтда транзакциялар ўтказиш**

Ушбу Веб-сайтнинг қисмлари сизга Суғурта компаниясининг суғурта хизматларини харид қилиш ёки сотиш каби транзакцияларни амалга оширишга имкон беради. Ушбу Шартлар ва қоидалардан ташқари бундай транзакциялар Суғурта компаниясининг сотиш ёки харид қилишга оид стандарт шартлари билан ёки сиз Суғурта компанияси билан келишган бошқа шартлар билан тартибга солинади. Транзакция саҳифаларида қўшимча шартларга ҳаволалар мавжуд.

#### **Суғурта компаниясига тақдим этиладиган ахборот ва материаллар**

Сизда Суғурта компаниясига сиз томонингиздан жавоблар, саволлар тақдим этиш ёки бошқа мақсадлар учун Веб-сайтдан фойдаланиш билан боғлиқ ахборот ва материалларни (бундан буён матнда Тақдим этилган ахборот деб юритилади) электрон почта билан, Веб-сайт, GROSS мобил иловаси орқали ёки бошқа усуллар билан жўнатиш имконияти мавжуд.

Сиз Тақдим этилган ахборотга нисбатан бутунжаҳон бўйлаб амал қиладиган, текинга бериладиган, муддатсиз, чақириб олинмайдиган, мутлақ бўлмаган ҳуқуқни ва Тақдим этилган ахборотдан фойдаланиш, уни такрорлаш, ўзгартириш, мослаштириш, эълон қилиш, таржима қилиш, тарқатиш, унинг асосида ҳосила ишларни яратиш учун рухсатни



тўлиқ ёки қисман ва бирор-бир атрибуция мажбуриятларисиз, ҳар қандай шаклда, ҳозирги вақтда маълум бўлган ёки келажақда ишлаб чиқиладиган воситалар ёки технологиялар ёрдамида, Суғурта компаниясининг Веб-сайт сир тутилиши тўғрисидаги баёнотиغا мувофиқ тўғридан-тўғри тақдим этасиз ёки Тақдим этилган ахборот эгаси Суғурта компаниясига тўғридан-тўғри тақдим этганлигини кафолатлайсиз.

Бундан ташқари, сиз Тақдим этилган ахборотдан сўзсиз воз кечасиз ёки эгаси ҳам ундан сўзсиз воз кечганлигини кафолатлайсиз.

#### **Жавобгарликнинг чекланиши**

Сиз Интернет орқали жўнатадиган барча ахборот каби Суғурта компаниясига сиз жўнатадиган ёки ундан оладиган ахборот учинчи шахслар томонидан қўлга киритилиши, ноқонуний ўзлаштирилиши ёки фойдаланилиши мумкин.

На Суғурта компанияси, на унинг ходимлари ёки бошқа вакиллари ҳар қандай зарарлар ёки харажатлар учун, жумладан сиз томондан мазкур Веб-сайтдан фойдаланиш натижасида ёки фойдаланилиши муносабати билан юзага келадиган ҳар қандай билвосита, тасодифий, махсус ёки жарима зарарлар ёки харажатлар учун жавобгар бўлмайди. Суғурта компанияси ушбу Веб-сайт аниқ, тўлиқ ёки долзарб ҳолатда эканлиги борасида баёнот бермайди ва буни кафолатламайди.

Ҳар қандай қўшимча шартларда назарда тутилган ҳолатларни истисно қилган ҳолда Суғурта компанияси ушбу Веб-сайтни «борича» шартларда тақдим этади ва яққол ёки назарда тутиладиган барча баёнотлар ҳамда кафолатларни, жумладан бошқалардан ташқари, тижоратга доир яроқлилиги ва аниқ мақсад учун яроқлилигига кафолатларни рад этади.

Бундан ташқари, Суғурта компанияси Веб-сайтнинг оддий фойдаланувчилари учун ёпиқ бўлган қисмларига ҳар қандай рухсат этилмаган ҳолда кирганлиги, Веб-сайтни, унинг алоҳида қисмларини ёки кодларини, Веб-сайт томонидан юзага келтириладиган ахборот ёки ҳужжатларни (суғурта полислари ва бошқаларни) ўзгартирганлиги ёки бузиб кўрсатилганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига кўра жавобгарлик тўғрисида сизни огоҳлантиради.

#### **Халқаро фойдаланувчилар ва юрисдикция**

Суғурта компанияси ушбу Веб-сайтни Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳридан қўллаб-қувватлайди ва назорат қилади. Суғурта компанияси ушбу Веб-сайт Ўзбекистон Республикасидан ташқарида фойдаланиш учун тўғри келиши ёки кириш мумкинлиги ҳақида ҳеч қандай баёнотларни бермайди.

Веб-сайт мазмуни ноқонуний бўлган ҳудудлардан ушбу Веб-сайтга кириш тақиқланади. Агар сиз ушбу Веб-сайтга Ўзбекистон Республикасининг ташқарисидан кирган бўлсангиз, сиз барча маҳаллий қонунларга риоя қилиниши учун жавобгар бўласиз.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги Веб-сайт мазмуни ва ундан қонунчиликка зид келадиган бирор-бир принципларни ҳисобга олмаган ҳолда фойдаланишни тартибга солади.

#### **Ахборот ва суғурта сирини ошкор қилиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари**

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги Суғурта компанияси барча учун очиқ бўлган ахборот очиб берилишини ва ўз фаолиятини амалга ошириш чоғида ўзига маълум бўлиб қолган суғурта сирига риоя қилинишини талаб қилади.

Сиз очиқ ахборот ва суғурта сирини ташкил этувчи маълумотлар билан батафсилроқ танишиш учун ушбу [гиперҳаволага](#) босган ҳолда «Суғурта фаолияти тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 62-моддаси билан танишишингиз мумкин.

### Муаллифлик ҳуқуқи ва товар белгиси

Веб-сайт дизайни, матни, графикаси, фото- ёки видеоматериаллар, шунингдек дизайн, матн ва графикасининг танланиши ва жойлашуви «GROSS SUG`URTA KOMPANIYASI» акциядорлик жамиятининг мулкидир. Барча ҳуқуқлар ҳимоя қилинган.

™, SM ёки ® белгилари бўлган матн ёки тасвирлар товар белгилари ёки рўйхатдан ўтказилган товар белгилари бўлиб, улардан Суғурта компаниясининг ёки тегишли эгаларининг рухсати билан фойдаланиш мумкин.

**01 июнь 2023 йил**

